



## ЕР СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь куни ер муносабатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ер — умуммиллий бойлик. Кейинги йилларда ушбу ресурстан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ахборот технологияларини жорий қилиш орқали ер ажратиш тартибининг очиқлиги ва шаффофлиги ортиб бормоқда, соҳада бюрократик тўсиқлар барта-раф этилмоқда.

Бироқ ер ресурсларини талон-тарож қилиш, ўзбошимчилик билан эгаллаш ва ноқонуний сотиш ҳолатлари ҳали ҳам кузатилмоқда. Ноқишлоқ ва қишлоқ хўжалиги ерларини ажратиш тартиби барча учун бир хил ва шаффоф эмас.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги камчиликларни кескин танқид қилиб, ерни бозор активга айлантириш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш бўйича ишларни жадаллаштириш, ер ажратиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

— Бугунги кун тартибидagi масала жуда мураккаб. Бу соҳада қонун устуворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз ижобий натижасини топмаяпти. Ер — халқни боқаётган мулк. Еримизга бўлган муносабатни

мутлақо ўзгартиримиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда ер соҳасидаги қонунчилик бўйича мавжуд ахвол ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Хусусан, ерни хусусий секторга мулк ва ижара ҳуқуқи, давлат ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тартиби жорий этилади.

Мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгаллик, доимий эгаллик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқлари билан ер ажратиш каби бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлмаган амалиётларни тугатиш ва ерга бўлган ҳуқуқ турларини 6 тадан 3 тага қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Ноқишлоқ ерларни хусусий секторга фақат аукцион орқали сотиш тартиби киритилади. Ноқишлоқ ерлар Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларига хусусий мулк қилиб, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган ерлар эса ижара ҳуқуқи асосида сотилади.

Ҳоким қарори билан нодавлат секторга ер ажратиш ҳамда ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиёти бекор қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратиш тартиби киритилади.

Бундай ерлар фуқаро ва ташкилотларга (чет элликлардан ташқари) очиқ танлов асосида берилади. Очиқ танловга ариза қабул қилиш, талабгор ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш электрон шаклда амалга оширилади.

Вилоят ва туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасини ўзгартариш ваколати Вазирлар Маҳкамасига ва Президентга ўтказилади.

Йиғилишда ер ажратиши ва ундан фойдаланиши устидан назорат механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, туман ҳокимларининг ер ажратиш ва қайтариб олиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати тўлиқ бекор қилинади. Вилоят ҳокимининг ер муносабатларига доир барча қарорлари адлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Шу билан бирга ер соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш таклиф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари соҳада қонун устуворлигини таъминлаш шарт эканига яна бир бор ургу бериб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари куни кеча Нур-Султон шаҳрида ўтган икки мамлакат Бош вазирлари учрашувининг самарали натижаларини юксак баҳоладилар.

Савдо ва логистика, саноат кооперацияси соҳаларида, замонавий транспорт коммуникациялари ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Президентлар парламентлараро алмашинув кенгайиб бораётгани ҳамда айни

кунларда Тошкент шаҳрида Сенат раҳбарлари даражасидаги қўшма комиссиянинг биринчи йиғилиши ўтказилаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Етақчилар Марказий Осиёда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустақамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Бундан ташқари, бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

ЎЗА

## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ СЕНАТИНИНГ РАИСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

2021 йил 3 июнь куни Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенатининг Раиси Маулен Ашимбаев расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Испом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дархан Сатибалди ҳамда бошқа расмийлар кутиб олдилар.

Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи чоғида Тошкентдаги Мустақиллик ва эзулик монументи пойига гул қўйди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга катта аҳамият қаратаётгани таъкидланди. Хусусан, сўнгги тўрт йил ичида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар юқори даражага кўтарилди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги парламентлараро мулоқотлар фаоллашди. Томонлар парламент фаолияти тажрибасини ўрганиш учун доимий равишда делегацияларнинг ўзаро ташрифларини уюштиришда, турли халқаро конференциялар ва парламент ташкилотлари ишида иштирок этиш орқали учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Мулоқот чоғида транспорт коммуникациялари ва транзит ташувлари, меҳнат миграцияси, сувдан фойдаланиш, маданият, таълим, гендер тенглик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Томонлар Самарқандда Қозоғистон Консулхонаси, Чимкент шаҳрида эса Ўзбекистон Бош консулхонаси очилишини маълумладилар.

Шунингдек, ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, ихтисослашган кўмиталар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, халқаро парламент тузилмалари (ПИ, ЕХХТ ПА, МДХ ПА), шунингдек, бошқа қатор халқаро ташкилотлар доирасида умумий ташаббусларни илгари суриш, депутатлар ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлик ўрнатиш, пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган амалий чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қозоғистон Парламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссияси ҳамда янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати билан ҳамкорлик бўйича комиссияси муваффақиятли фаолият олиб бораётди.

Ҳозирги вақтда қонун ижодкорлигини такомиллаштириш борасида, иқтисодиёт, сайёҳлик, маданий ва гуманитар соҳаларда ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантиришда парламент ролини ошириш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа тадбирларни амалга ошириш учун 2021-2022 йилларда парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Қозоғистон парламенти ҳузуридаги Парламентаризм институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳамда Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев учрашуви якунлари бўйича журналистлар учун брифинг ташкил этилди.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА мухбири

### ДИЛ ИЗҲОРИ

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҒАЛАЗОРИМИЗГА КЕЛГАН БИЗГА КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАДИ

Сурхондарё вилоятининг Ангор тумани деҳқонлари қишлоқ хўжалигида ишни ташкил қилишнинг ширкат ва фермерлик усуллари узоқ вақт синовдан ўтказди. Бугун улар кластер усулини олқишлаяпти. Чунки туманнинг барча экинзорлари “Сурхон Ангор ғурури” кластери таркибига ўтказилгач, деҳқонларга ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича катта ёрдам кўрсатилди.

▶ Давоми 3-бетда



### “ЁЗ—2021”

## ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ



Жорий йил 19 май куни Вазирлар Маҳкамасида ўтган мажлисда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинган эди. Мажлисда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мавсумни юқори савияда ва сифатли ўтказиш бўйича аниқ вазифалар юклатилди.

▶ Давоми 5-бетда

### ТАРАҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

## “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИ:

МУАММОЛАРНИ ЎЗARO ҲАМЖИҲАТЛИКДА МАНЗИЛЛИ ВА САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТИ



Мансур ЭШОВ,  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети проректори,  
иқтисод фанлари доктори

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Ислохотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти, аввало, маҳаллада сезилади. Шу маънода, “маҳалла — жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси”, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижани таъминлаши шарт”, деб бежиз таъкидлаб ўтмаган эди. Зеро, маҳалла дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмадир.

▶ Давоми 2-бетда

**БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАЛАРИ**



**ҲАР БИР МАСАЛА ЭЪТИБОРДА**

**Дилшод ШАКАРОВ,**  
Навоий вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирининг Тadbirkorлар муружаатларини  
қуриб чиқиш қабулхонаси мудир

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тadbirkorлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, солиқ соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши, солиқ юкнинг камайиши ва пандемия даврида кичик бизнеснинг қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамият касб этапти.

Навоий вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbirkorлар муружаатларини қуриб чиқиш қабулхоналари ҳам Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги “Тadbirkorлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан, соҳа ривожига ҳалақит бераётган муаммолар масалаларни қуриб чиқиш ва мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича тизимли ишларни олиб борапти. Қабулхона тизимида “business.gov.uz” ягона интерактив порталнинг ишга туширилиши эса, тadbirkorлар муружаатларини электрон тизим орқали тезкорлик билан қуриб чиқиш имконини бермоқда.

**Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, Навоий вилояти ва туман (шаҳар) қабулхоналарига 1 877 та масала бўйича 1 715 та муружаат келиб тушган. Улар соҳалар кесимида таҳлил этилганда, 570 таси (30,3 фоизи) банкдан кредит олиш, 195 таси (10,4 фоизи) ер участкалари ажратилиши, 68 таси (3,6 фоизи) солиқ, 62 таси (3,3 фоизи) инфратузилма тармоқларига улашиш, 48 таси (2,6 фоизи) тегишли рухсатнома ва лицензия олиш, 943 таси (50,2 фоизи) бошқа масалаларга доир эканлиги аниқланди. 4 ой ичида қабулхоналарга келиб тушган 1 350 та (72 фоиз) муружаат аризаси ижобий қаноатлантирилди. 505 та (26,9 фоиз) масаланинг ечими бўйича тушунтиришлар берилиб, 22 та масала асосли бўлмаганлиги сабабли рад этилди.**

Қабулхоналарга тadbirkorлик субъектларидан келиб тушган муружаатлар алоҳида назоратга олиниб, тегишли масъулларни жалб қилган ҳолда, қисқа муддатларда ижобий ҳал этиб келинмоқда. Жумладан, Учқудук туманидаги “Uz-Dom-Stroy” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Умид Келдиёровнинг қабулхонага муружаатидан сўнг “Абай” маҳалласи ҳудудида қурилаётган кўп қаватли турар жой комплекси иссиқлик манбаига улаб берилди.

Нурота туманидаги “Nurota bo'rdiqilib boqish” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зафар Тошназаровнинг аризасидан сўнг чорвачиликни ташкил этиш лойиҳаси учун “Турон банк” акционерлик тижорат банки Навоий вилоят филиали томонидан 2 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, Зарафшон шаҳридаги “Zarafshon oyna” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Виктор Ляниннинг муружаатига кўра, флотат-шиша ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оши-



риш учун “Навоий ҳудудий электр тармоқлари” акционерлик жамияти томонидан корхонага электр узатиш тармоқларини тортиш ишлари бошлаб юборилди.

Яна бир мисол, Томди туманидаги “Golden kvarts” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Азизбек Исоқуловга “Джерой” кварц конининг “Шарқий” участкасидаги кварц қуми захираларининг бир қисмида қазил ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензия масаласи ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, оилавий тadbirkorликни ривожлантириш, хунармандчилик, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш дастурлари доирасида жисмоний ва юридик шахсга ўз бизнесини бошлаши учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит ажратиш бўйича 130 дан ортик муружаат, тadbirkorга ер ажратиш юзасидан 111 та, тadbirkorнинг солиқ тўловларини энгиллатишга оид 56 та, тadbirkorга лицензия ва рухсатномалар олиш ҳақида 28 та, тadbirkorнинг инфратузилма тармоқларига улашиши борасида 35 та ва бошқа масалалардаги жами 750 та муружаат ижобий ҳал этилди. Бунинг натижасида қарийб 300 га яқин янги иш ўрни яратилишига эришилди.

Албатта, барча муружаат муаллифи бирдеҳақ бўлавермайди: кимдир билмасдан ёки адашиб, масаланинг туб моҳиятига етмасдан, ҳатто, нотўғри маълумотлар билан ҳам у ёки бу идорага арз қилади.

Бироқ муружаат қилувчи бундан ўз вақтида алоқада этиши ва тан олиши учун масалага алоқадор мутасадди ходим ҳушмуомалалик билан амалдаги қонунчилик талабларини тўғри тушунишига эришиши керак. Халқимиз айтгандай, олма пиш, оғзимга туш, деган билан натижа бўлмайди. Биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур. Ўзгаришларни истасак, ҳаммамиз онгли равишда ўзгаришимиз керак”, деганда айнан маҳалладаги ислохотларни назарда тутган эди.

Бироқ муружаат қилувчи бундан ўз вақтида алоқада этиши ва тан олиши учун масалага алоқадор мутасадди ходим ҳушмуомалалик билан амалдаги қонунчилик талабларини тўғри тушунишига эришиши керак. Халқимиз айтгандай, олма пиш, оғзимга туш, деган билан натижа бўлмайди. Биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур. Ўзгаришларни истасак, ҳаммамиз онгли равишда ўзгаришимиз керак”, деганда айнан маҳалладаги ислохотларни назарда тутган эди.

Жорий йил 1 июндан аҳоли ва тadbirkorлар учун бир қатор овозгарчиликларга барҳам берадиган янги тартиб ишга тушганлиги ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади. Чунки Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги “Аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан 460 дан ортик қонун ҳужжатига белгиланган 18 турдаги маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинди. Эндигида ушбу ҳужжатлар ваколатли давлат органи томонидан “Электрон ҳуқуқат” платформаси орқали олинади. Тadbirkorлик субъекти бўлган юридик шахсларга давлат хизматларидан фойдаланиш учун белгиланган йилги давлат божи тўловларини тўлашда уларнинг вақили томонидан нақд пул шаклида тўловни амалга оширишга рухсат берилди.

Таққидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик бугун Бош вазир қабулхоналари ходимларининг ҳам зарурий қондасига айланган. Мазкур талаб асосида фаолият юретиш тadbirkorлар ва чет эллик инвесторларнинг муружаатларини қуриб чиқиш жараёнида шаффофлик ва холисликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Келгусида ҳам тadbirkorлик соҳасидаги ҳар бир масалага алоҳида эътибор қаратилиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари, давлат органлари ва масалага алоқадор бошқа идоралар билан ҳамкорликда ишлар давом эттирилади.

**ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ**

**“МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИ:**

**МУАММОЛАРНИ ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИКДА МАНЗИЛЛИ ВА САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТИ**

Бошланиши 1-бетда

**АНЪАНАВИЙ ТИЗИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ**

Сўнгги йилларда мазкур тамойилларни ҳаётга татбиқ этишга бўлган ёндашув мутлақо ўзгарди. Пировардида ушбу миллий институтнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни янги босқичга кўтарилди. Бугун маҳаллалар нафақат одамларни бирлаштирадиган, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаб берадиган ҳудуд, балки фуқароларнинг долзарб муаммолари самарали ҳал этилаётган масканга ҳам айланиб борапти.

У камбағалликни қисқартириш, аёллар ва ёшлар бандлигини ҳал этишда муҳим воситачи, тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш, янги гоёлар ҳамда стартапларни амалга оширишда замонавий акселератор, ислохотларни юргизишда фаол қатнашаётган драйверга айланмоқда. Ўз навбатида, давлат вертикал бошқарувининг куйи, аммо мустаҳкам бўғини сифатида майдонга чиқяпти. Бу йўлда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгани, 50 дан ортик норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани, ҳар бир ҳудудда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизим жорий этилгани ҳам шундан далолат беради.

**ЎЗГАРИШЛАРНИ ИСТАСАК, ҲАММАМИЗ ОНГЛИ РАВИШДА ЎЗГАРИШИМИЗ КЕРАК**

Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилган маҳаллабай тизими ҳоқимият органлари ва жамоатчилик бошини қуватириб, аҳоли манфаатлари йўлида фаолият юритишларига замин яратяпти. Энг асосийси, бундай яхлитлик умумхалқ ҳаракатига айланиб, жойлардаги энг оғриқли нуқталарга кириб бориб, уларга ўз вақтида ечим топиш кўламини оширмоқда.

Маҳалладаги ишларнинг аҳоли вазирлик, идоралар ва ҳоқимликлар ишини баҳолашда бош мезон сифатида бежиз белгилаб берилмади. Ўтган йилдан туманлар бюджетига қўшимча манбаларнинг камиди 10 фоизини бевосита маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишлар бошлангани, бу мақсадларга 70 миллиард сўм ажратилгани, уларнинг ваколати янада кенгайтирилгани ҳам бунинг тасдиқидир.

Президентимиз: “Ҳар бир уйда, ҳар бир кўчада маданият бўлиши керак. Халқимиз айтгандай, олма пиш, оғзимга туш, деган билан натижа бўлмайди. Биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур. Ўзгаришларни истасак, ҳаммамиз онгли равишда ўзгаришимиз керак”, деганда айнан маҳалладаги ислохотларни назарда тутган эди.



Зотан, ҳамма масала, аввало, маҳаллада ҳал бўлсагина одамлар рози бўлади. Бу “Нега ҳамма куч маҳаллага сафарбар этиляпти?” деган саволга ҳам аниқ жавобдир.

**МУРАККАБ, АММО КАФОЛАТЛИ МЕХАНИЗМ**

“Маҳаллабай” ишлаш тизими мураккаб жараён бўлишига қарамай, унинг замирида ҳар бир инсоннинг дардини тинглаш, унинг тақдирини тубдан ўзгариши, жамият тараққиётини иқтисодий ўсишлар билангина эмас, балки аҳолининг ўз ҳаётидан мамнунлиги билан ўлчаш каби омиллалар мавжуд.

“Маҳаллабай” ишлаш барча соҳа мутасаддиларининг яқин ҳамкор бўлиб, муаммолар, аҳоли турмушидаги муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишнинг янги стратегиясидир.

Анъанавий институт ёрдамида ишга янгича ёндашув эса, мураккаб даврда ҳам муваффақиятли синовдан ўтиб келмоқда. Бунинг биринчи 2020 йилда юртимизда пандемия билан боғлиқ оғир вазият ҳукм сурганига қарамай, маҳаллаларнинг ички йўллари, ичимлик сув ва электр таъминоти, ирригация тармоғини яхшилаш бўйича ишлар давом эттирилгани ҳам тасдиқлайди.



**ЙЎНАЛИШЛАР АНИҚ, АСОСИЙСИ УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

Умуман олганда, республикаимизда “маҳаллабай” ишлаш тизими куйидаги йўналишларни қамраб олмақда:

- маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва “драйвер” лойиҳаларини аниқлаш;
- маҳаллалардаги мавжуд имкониятлар, хомашё ресурслари, инфратузилма ҳолати, ишчи кучининг ихтисослашуви ва сифатидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир маҳаллани ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;
- асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари харид қилиш бўйича таъминотчи корхоналар, жойларда тadbirkorлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсизлар рўйхатини тузиш;
- тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган аҳолига оилавий тadbirkorликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратиш ҳамда улар фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш;
- бўш бино ва ер участкаларини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда тadbirkorлик субъектларига бериш мақсадида аукцион савдоларга чиқариш чораларини қўриш;
- маҳаллалардаги банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунар ва тadbirkorлик кўникмаларига ўргатишни ташкил этиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш;
- устоз-шогирд анъанаси асосида банд бўлмаган аҳолини улар яшаётган туман (шаҳар) ва маҳаллада фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳамда хунармандларга бириктириш;
- “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га кирилган фуқароларнинг муаммоларини ўрганиб, уларга аниқ йўналишлар



**АНИҚ МАНЗИЛ МИСОЛИДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАР**

Келинг, фикримизни Яшнобод туманидаги “Бешбола” маҳалла фуқаролар йиғини мисолида манзилли қуриб чиқайлик.

Мазкур ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодий университетини мутасаддилари ҳамда “Бешбола” МФЙ раисидан иборат ишчи гуруҳ тузилган. Унинг аъзолари маҳалладаги ҳар бир хонадонда яшовчи фуқаролар билан бирма-бир суҳбатлашиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ва таклифлар ўрганиб чиқилмоқда.

Муружаатларнинг асосий мазмуни “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” рўйхатига кириш, ишга жойлашиш, хонадонларни таъмирлаш борасидаги моддий қийинчиликлар, уй-жойларга тегишли кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, кўчалардаги ичимлик сув қувурларининг эскиргани сабабли сув тошқинларидан зарар кўриши каби муаммоларни қамраб олгани аниқланди.

Қолаверса, айрим кўчалардаги аксарият сим-ёғочлар эскирган, маҳалланинг биронта хонадоний марказий канализацияга уланмаган. Болалар спорт майдончаси, болалар боғчаси, умумтаълим мактаби, дорихона, поликлиника, озиқ-овқат дўкони мавжуд эмас. Ижтимоий муаммолардан яна бири бу маҳалла иккита темир йўл ўртасида жойлашгани ва темир йўлларнинг атрофи махсус панжаралар билан тўсилмагани билан боғлиқ. Бу эса аҳоли, айниқса, мактаб ўқувчиларининг ҳаётига хавф туғдиримоқда.

Маҳаллада биронта жамоат транспорти қатнови йўқ. Аҳоли ишга бориш учун ўртача 3-4 километр йўлни пиёда босиб ўтишига тўғри келаяпти. Шу боис, ўрганиш давомида “Кадишева — Кўйлик” йўналишидаги жамоат транспорти қатновини маҳалла орқали ўтказиш мақсада мувофиқ, деҳ ҳисобланди.

Бундан ташқари, Маҳзун ва Фаргона йўли 7-берк кўчаларидаги сув қувурлари эскириб кетгани оқибатида тез-тез авария ҳолати учрайдиганлиги таъмирлаш лозим.

**МУАММОЛАР ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ?**

ТДИУ жамоаси томонидан бу каби ижтимоий-иқтисодий муаммолар ўрганилиб, таҳлил қилинди. Уларни ҳал этиш борасида университетнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, МФЙ билан ҳамкорликда аниқ режа ишлаб чиқилиб, шу бўйича ишлар олиб бориляпти.

Жумладан, маҳалла ва кўчаларга уларнинг номлари акс эттирилган пешлавлар ўрнатилди, зарур жойларга йўл кўрсаткич белгилари қўйилди. Маҳалла биносида кутубхона ташкил қилинмоқда. Хусусан, ажратилган жой таъмирланиб, мебель жиҳозлари ўрнатилди. Кўчалардаги дархалтлар оқлиниб, чиқиндилардан тозаланиб ва бу ишлар тизимли равишда олиб бориляпти.

Маҳалла биносининг ички ва ташқи қисми жорий таъмирланди, ҳудудда яшовчи кам таъминланган тўрт фуқаро учун университет ҳоқимлигида Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил қилинди.

Маҳалла раиси ва фаоллари билан “Аёллар дафтари”га кирилган 15 нафар фуқарога моддий ва психологик ёрдам кўрсатилди. Уларни “Аёллар дафтари”дан чиқариш учун тегишли ҳужжатлар тайёрланди.

“Бешбола” МФЙ даги муаммоларни ҳал этиш бўйича ишлаб чиқилган “йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлашга қаратилган амалий сарф-харолатлар давом эттирилмоқда.

**ТЕМИРНИ ҚИЗИҒИДА БОС**

Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудида мана шундай манзилли иш олиб борилаётгани, бу ўз самарасини бераётгани айни ҳақиқат. Бунда “маҳаллабай” ишлаш тизими катта аҳамият касб этапти. У давлат ва жамиятнинг ҳар бир аъзосида шу юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириб, янада фаол бўлишга ундаяпти. Бу эса ҳар қандай муаммога “темирни қизиғида бос” қабилда қатъий принцип асосида ёндашиб, уни тезда ва оқилона ҳал этишда катта роль ўйнамоқда.

Буларнинг замирида эса “Маҳалла обод бўлса — юрт обод бўлади. Маҳаллада ўзгариш бўлса — бутун жамият ўзгаради” деган ягона эзгу мақсад мужассамдир.

ДИЛ ИЗҶОРИ

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҒАЛАЗОРИМИЗГА КЕЛГАНИ БИЗГА КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Сабаби, далалар фермер хўжаликлари тасарруфида бўлган пайтда баъзиларининг оддий чопиқ трактори ҳам йўқлиги учун ер сифатли шудгорланмасди. Культивация, ерни чуқур ҳайдаш каби агротехник тадбирлар издан чиқиб, далаларни қамиш, ғумай каби ўтлар босиб кетди. Айниқса, суғорилар шохобчалари, каналлар вақтида тозаланмай, лойқага тўлиб кетди, далаларга сув келиши қийинлашди. Оқибатда ҳосилдорлик кескин пасайди. Айнан шунинг учун ҳам Сурхондарёда биринчи бўлиб Ангор тумани ерлари "Сурхон Ангор гурури" кластерига берилди.

Кластер томонидан қудратли техникалар ҳамда қишлоқлардаги ишсиз аҳоли жалб қилиниб, барча ариқ-зовурлар тозаланди. Далалар чуқур шудгорланди. Энг сўнгги русумдаги техникалар келтирилиб, ерлар текисланди. Астойдил қилинган меҳнат бир йилдаёқ ўз самарасини бера бошлади. 2020 йили Шерзод Алимов таъсисчилигидаги кластер жамоаси далаларида бугдой ҳосили мўл бўлди. Мутахассислар айнан кластер даласида етиштирилган бугдойни уруғликка қабул қилди. Жами 12 минг 700 тонна уруғлик бугдой сотган ғаллакор деҳқонлар катта даромадга эга бўлиш баробарида худудларини Фарғона, Андижон сингари вилоятлардан уруғлик келтириш ташвишидан кутқарди.

Ўтган йилнинг қузида сурхондарёлик деҳқонлар ғалла учун ажратилган майдонларнинг катта қисмига "Сурхон Ангор гурури" кластери далаларида етиштирилган уруғлик экканди. Мана, бугун деҳқонлар "Гром", "Васса", "Алексеевич" каби бугдой навларидан мўл ҳосил тўплади. Бу навли бугдойлар эрта пишиши ва серҳосилилиги туфайли сур-



хондарёлик ғаллакорлар жорий мавсум ҳам ўрм-йиғимда пешқадамлар сафида бормоқда.

"Сурхон Ангор гурури" кластери жамоаси бу йил 11 минг гектардан ортиқ майдонда ғалла ва ғўза ўстирмоқда. Агротехник қондалар асосида парваришланаётган ғўзалар аллақачон гулга кирган.

Кластер ғаллакорлари бу йил 4 870 гектар майдонда бугдой парваришлади. Мутахассисларнинг фикрича, ҳосил кўзлангидан ҳам зиёда. Миришкорлар жами 16,3 минг тонна ғалла йиғиб олишни режа қилган.

Жамғариладиган сара доннинг 12 минг 700 тоннаси уруғликка олинади.

Бугун кластер жамоаси отрядларга бўлиниб, меҳнат қиялпти. Рустам Бекмуродов бошлиқ деҳқонлар 400 гектар майдонда бугдойнинг "Гром" ва "Алексеевич" навини парваришлаганди. Уларнинг ўтган йил куздан бошлаб қилган меҳнатлари бесафар кетмади. Далаларда ҳосил мўл етиштирилди. Ғаллазорда 5 та юқори унумли комбайн тўхтовсиз ишлаяпти.

Давлатимиз раҳбари куни кеча вилоятга сафарига чоғида айнан шу ҳудуднинг Баҳодир

Ўсаров бошлиқ бригадасида бўлди. Жамоа аъзолари жорий йилда 20 гектар майдонда бугдой ўстирган. Комбайнчи Отабек Буроновнинг айтишича, ҳар гектар ғаллазордан 83 центнердан сара дон йиғиб олинапти. Давлатимиз раҳбари тажрибали механизатор Отабек Буронов бошқараётган "Вектор-410" русумли комбайнга чиқиб, механизатор билан ғаллазорнинг қарийб бир километр қисмига комбайнни бошқарди.

— Президентимиз жуда самимий инсон экан, — дейди комбайнчи Отабек Буронов. — Ғаллазоримиз бошига келиб, комбайнни тўхтатишни ишора қилди. Комбайн эшигини очиб пастга тушмоқчи эдим, ўзи кабинага чиқди ва техника рулини бошқаришга изн сўради. Тўғриси, бироз ҳаяжонландим, лекин дарров ўзимни босиб олиб, Шавкат Миромоновичга комбайн рулини тутқазиб, ўзим ёнида турдим. Анчадан кейин комбайнни тўхтатиб, пастга тушди. Давлатимиз раҳбари мендан ҳол-аҳвол сўради, шароитларимиз ҳақида батафсил суҳбатлашди. Ростки, кластеримиз раҳбарлари механизаторларга ҳамма шароитларни муҳайё этган. Далада уч маҳал иссиқ овқат ташкил қилин-япти. Комбайнчилар рўзгоридан хавотир олмаслиги учун мавсум олдида ҳар биримизга 1,5 миллион сўмдан пул, бир халтадан ун, бир қопдан картошка ва шунчадан пиёз, 10 килограмдан ёғ беришганди. Президентимиз билан ёнма-ён суҳбатлашимиз менга насиб қилганидан жуда хурсанд бўлдим, ғуруландим. Давлатимиз раҳбарининг ғаллазоримизга келганининг ўзи бизга куч-қувват бағишлади, руҳлантирди. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ ғалла йиғиштириб олиш учун барча куч-ғайратимизни сафарбар этяпмиз.

**Усмонали НОРМАТОВ,**  
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ИЛҶОМ



**Сирожиддин САЙИД,**  
**Ўзбекистон халқ шоири**

## Ўртинхор

*Тонг кўеши кўрпа ёйган  
нурли айвоним менинг,  
Бир диёрга буй тартаган  
даста райҳоним менинг.*

*Мен кўеш фарзандиман деб  
не учун завқланмайин,  
Бешигимни шуъладин  
тебратди осмоним менинг.*

*Қалдироқларга гул ортиб  
кетдилар кўкламларим,  
Бир умр гул бирла бўлди  
васлу ҳижроним менинг.*

*Мўйсафид тоғлар яна бобо  
адирлар ўлкаси,  
Камтарин эл кўнглидай кенг  
дашту сайҳоним менинг.*

*Мен шу эл заҳматларидин  
дилни шудгор айладим,  
Манглайининг терлари ҳам  
ғавахари жоним менинг.*

*Тўмарислардин нишондир  
қизларинг, қирққизларинг,  
Уйдаги ҳар боласи бир  
шоҳу султоним менинг.*

*То шу тупроқ бор экандир  
менда ҳам битмас суҳан,  
Токи шеърү сўз ародир  
сайру жавлоним менинг.*

*Бунда ҳар бир кишнаган той  
Бойчиборлар бўлгуси,  
Ҳар ўғил — Алломишим,  
полвони — деҳқоним менинг.*

*Киприги ойларга теккан  
эрка Ойбарчинларим,  
Қошлари чангу ғубору  
чеҳра хандоним менинг.*

*Мен қўлингизнинг қадоғига  
Ватан деб юз босай,  
Арзигаиму байтларим ё  
шеърү дostonим менинг?*

*Мангу сўлмас Термизийлар  
ўтқазиб кетган чинор,  
Рухлари осмонларимда  
мангу посбоним менинг.*

*Кўҳна Жайхун мавжлари  
кетган Ипак йўлларча бор,  
Кўксиди оламни бўйлар  
янги карвоним менинг.*

*Ору номусдин келур  
бунда азалдин ҳар юрак,  
Боғ бўлур, бўстон бўлур бу  
кўҳна кўргоним менинг.*

*Эй, бутун оламга ҳикмат  
ҳам ҳадис сочган диёр,  
Юзлари ёруғ маконим,  
тантми Сурхоним менинг.*

*Токи шаъну шавкатинг бор,  
давлатинг кам бўлмагай,  
Ўзбекистон, янги давру,  
янги давроним менинг.*

МУНОСАБАТ

# КАТТА ИМКОНИАТ КАТТА МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ЭТАДИ

**Поён БАКИРОВ,**  
**Термиз давлат университети**  
**декани,**  
**филология фанлари доктори,**  
**Халқ депутатлари Сурхондарё**  
**вилоят кенгаши депутати**

Давлатимиз раҳбари жорий йил 1-2 июнь кунлари худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш ва истиқболдаги режаларни белгилаб олиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни вилоят кенгаши депутатлари, тадбиркор ва фермерлар, нурунийлар, ёшлар, жамоатчилик фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Йиғилишнинг бевоқифа иштирокчиси сифатида унда кўтарилган масалалар, қўйилган вазифалар ҳақида баъзи фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Тадбирда Президентимиз томонидан халқ ҳаётини янада яхшилаш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилди. Вилоятдаги 721 та маҳаллага вазирлар, республика, вилоят миқёсидаги идоралар раҳбарлари бириктирилиб, ечимини кутаётган муаммолар қайтадан ўрганиб чиқилади. Аҳвол оғирроқ бўлган Бандхон, Шеробод, Қизирик ва Музработ туманлари инфратузилмаси тубдан ўзгартирилади.



Вилоят иқтисодиётини кўтариш учун 1 триллион 900 миллиард сўм беряпмиз, деди давлатимиз раҳбари йиғилишда.

Бу жуда катта маблағ. Шўролар даврини, мустақилликнинг дастлабки 25 йилини ва кейинги 4-5 йилни таққослаш, солиштириш имконига эга бўлган бир эиёли сифатида айтишим мумкинки, Сурхондарёнинг бутун тарихи давомида вилоятга бунчалик катта маблағ ажратилган эмас. Энди гап бу маблағни тўғри, ҳалол ўзлаштиришда.

Йиғилишда дунё шиддат билан ўзгараётган бир пайтда сурхондарёликлар ҳам замонавий билимларни эгаллаган ҳолда бирлашиб, бир мушт бўлиб ҳаракат қилиши лозимлиги яна бир бор қайд этилди. Халқимизнинг "Бирлашган куч — куч, бирлашман куч — пуч" мақоли бежиз айтилмаган. Тинчлик ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлмайди. Яратганга шукр, бугун дунё нигоҳи янги Ўзбекистонга қаратилган.

Тадбирда Сурхондарёда саноатни ривожлантириш бош масалалардан бири экани айтилди. Инвестиция лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириш эвазига қурилиш, енгил саноат, жумладан, тўқимачилик, ип-калага, чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариб, мамлакат ва хорижий давлатлар бозорларида сотиш, энг асосийси, янги иш ўринлари яратиш долзарб масала этиб белгиланди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш туманлар кесимида ихтисослаштирилади. Уларни экспорт қилган тадбиркорлар божхона тўловларидан озод этилади.

Кўшни давлатлар билан ўзаро тенг манфаатлар асосида савдо-сотик қилиш муҳим вазифалардан биридир. Кўшни афғонистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда қўй жунидан гилам тўқиш ва уни экспорт қилиш масалалари кўндаланг қилиб қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Сурхон-

дарё аҳолиси учун асосий даромад манбаи ҳисобланади. Шу боис, Президентимиз бу соҳага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қадамларга эришди. Соҳани ривожлантириш учун 3 триллион 121 миллиард сўм инвестиция йўналтирилади. Ҳар бир хонадон учун 10 йилга 25-30 сотихдан ижарага ер ажратиш масаласи ўрганилди. Илғор хонадонларга 50 сотихгача ер берилди. Бу тарихда бўлмаган.

Томорқа — даромад манбаи. Президентимиз шу масалага алоҳида эътибор қаратди. Катта заводларга янги технологиялар олиб келиб, 500 кишини ишли қилиш мумкин. Лекин томорқа орқали миллион-миллион кишини рўзғори бут бўлади, даромади кўпаяди.

Мақсадим, Сурхон эли бой бўлсин, деди давлатимиз раҳбари. Энди одамларнинг томорқасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини буортмачилар сотиб олади. Буортмачи аҳолини хомашё билан таъминлайди. Томорқага бозори йўқ маҳсулотлар экилмайди. Хуллас, барча ишлар тизимли бўлади. Маҳсулот етиштириш маҳаллалар кесимида "Бир маҳаллага — бир сабзавот маҳсулоти" тамойили асосида ихтисослаштирилади. Иссиҳоналар 1 000 гектарга кўпайтирилади. Бунга 950 миллиард сўм маблағ ажратилади. Анорзорлар, лимонзорлар, пистазорлар кенгайтирилади. Зайтун плантациялари барпо этилади. Ипак топаги пахта етиштириш илмий асосда олиб борилади. Ҳар бир хонадонга 100 бошдан парранда ажратилади.

Давлатимиз раҳбари фаоллар йиғилишида энг долзарб бўлган ва кўплаб оилаларни қийнаб келаётган асосий муаммолардан бири — аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласига алоҳида урғу бериб ўтди. Сурхондарёда режа бўйича қурилиши керак бўлган 3 989 та уй-жойдан ташқари Термиз туманида қўшимча 15 та кўп қаватли уй барпо этилади.

Айниқса, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида лойиҳа қиймати 150 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ишлар амалга оширилиши ҳақидаги хабар Сурхондарё халқининг айни дилидаги гап бўлди.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳри ва унинг атрофида яшовчи аҳолининг қиш даврида совуқдан азият чекмаслиги, газ таъминотини янада яхшилаш учун Президент фондидан 70 миллиард сўм ажратилишини маълум қилди.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳада, айниқса, таълим соҳасида оламшумул ўзгаришлар кечмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар Сурхондарёда бўлиб ўтган йиғилишда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Мактабгача таълим ташкилотлари сонини кескин кўпайтириш, умумтаълим мактабларида қатор фанларни

чуқур ўргатиш бўйича махсус синфлар очиб, чет тилларни ўргатишга жиддий эътибор қаратиш, жамиятда ўқитувчининг ҳурмати ва нуфузини янада ошириш масалалари долзарб экани таъкидланди.

Олий таълимга эътибор ҳам четда қолмади. Президент топшириғига кўра, Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали негизда Агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти, Тошкент давлат техника университети Термиз филиали негизда Термиз муҳандислик-технология институти ташкил этилади. Бойсун туманида кончилик, пиллачилик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳалари учун ўрта махсус профессионал маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган кўп тармоқли техникум очилади.

Ёшлар ва хотин-қизлар масаласи Президентимиз диққат марказида турадиган бош масала экани йиғилишда яна бир бор исботланди. Ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари диққат билан эшитилди. Уларга янги-янги имкониятлар яратилиши таъкидлаб ўтилди. Мисол учун, ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг 100 нафарига ҳокимлиқ, 50 нафарига олий таълим муассасалари контракт маблағларини тўлаб беради. Президент фикрича, ёшлар тажрибасиз бўлишлари мумкин, лекин улар ватанпарвардир.

Маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича ҳам қатор тавсиялар берилди. Шунингдек, йиғилишда депутатлар фаолияти ҳам танқидий баҳоланди. Депутатлар одамларнинг муаммоларини ҳал этмаётгани, уларнинг дардида дармон бўлмаётгани афсус билан таъкидланди.

Фаоллар йиғилиши қатнашчиси сифатида шуни таъкидлашим жоизки, Президентимиз томонидан қайд этилган муаммоларнинг фақатгина тизимли ечими кўрсатилиб қолмасдан, балки уларни баргараф этиш учун кетадиган барча маблағлар залнинг ўзида ажратилди. Бундай ҳолат ҳеч қачон бўлмаган.

"Шиддат билан кечаётган даврга жавоб беришимиз учун жипслашимиз керак. Жипслашиш учун бизга бир нарса зарур. Бу ватанпарварлик. Эринчоқ бўлиб қолдик. Невараларимиз кўзига қандай қараймиз. Улар ҳам яхши яшашни хоҳлайдилар. Биз уйғоншимиз керак. Кечагидек яшашга ҳеч кимнинг ҳақиқий йўқ", деди Президентимиз йиғилиш сўнгида.

Бу гаплардан барча даражадаги раҳбарлар хулоса чиқариши ҳам фарз, ҳам қарз. Президентимиз бизга катта имконият берди. Шунини унутмаслик лозимки, катта имконият катта масъулият ҳам талаб этади.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА



# ТАБИАТНИНГ ЎЗИ

## Ёки доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш саноати истиқболлари

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Қадимдан Шарқ халқлари гиёҳлар ёрдамида даволанишнинг ҳадисини олган, халқ табиобати ривожланган. Абу Али ибн Сино 476 тага яқин ўсимликнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида маълумотлар қолдирган. Шифо борасидаги ана шу қадим қадриятларни бутун замонавий анъаналарга мос тарзда давом эттиришга давлат даражасида эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, таҳлиллар доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, уларнинг плантацияларини ташкил этиш, қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Айни пайтда юртимизда 4 минг 300 дан ортиқ турдаги ўсимлик рўйхатга олинган. Уларнинг 750 туридан ортиғи шифобахш хусусиятга эга. 112 тур ўсимлик илмий тиббиётда фойдаланиш учун яроқли бўлиб, 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда. Мутахассисларнинг эътирофи аниқ, минтақамизда етиштирилган доривор ўсимликларнинг шифобахшлиги бошқа ҳудудларникига қараганда анча юқорилиги билан ажралиб туради.

Сўнгги йилларда юртимизда шифобахш ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш ҳамда маҳал-

лий ва ҳақон бозорларига етказиб бериш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилаётган. Жумладан, доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, плантациялар ташкил этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги илмий ўзгаришлар қувонтиради.

Президентимизнинг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 26 ноябрдаги “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари айни шу мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур қарорларнинг қабул қилиниши ҳудудларда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашга доир илмий тадқиқотларнинг ягона базасини яратиш, доривор гиёҳларни табиатга зиён етказмасдан йиғиб олиш, бирламчи қайта ишлаш, қадоқлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнига янги қарашларни шакллантириш, етказиш илмий муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда замонавий технологиялар, илмий ишланмаларни кенг жорий этиш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни кучайтиришда, айни мақсулотлар импортини камайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Юртимиздаги 14 та ҳудудда доривор ўсимликларни етиштирувчи кластерлар ташкил этилди, — дейди Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги масъул ходими Саид Холматов. — Мазкур кластерларда икки мингга яқин иш ўрни, 14-16 турдаги доривор ўсимликлар плантацияларини яратиш мақсад қилинган. Қайд этиш керакки, ўтган йили доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган корхоналар 84 тонна мақсулотга эҳтиёж сезган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 300 тоннага ташкил этмоқда. Яъни доривор ўсимликларга бўлган талаб

йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг мазкур йўналишдаги қарорлари соҳа ривожига драйвер вазифасини ўтайди.

Талаб юқори бўлган доривор ўсимликларни етиштириш ва тайёрлаш ҳамда халқ табиобати соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан доимий фойдаланиш учун миниплантациялар ташкил этилмоқда. Бу эса табиатда учрайдиган доривор ўсимликларни парваришладан ташқари, чет эллардан келтирилган ноёб турларни маҳаллийлаштиришга шароит яратмоқда.

Масалан, ўзимизда етиштирилаётган биргина мойчечак ўсимлиги табиатда кўпга касалликларнинг даволашда кенг қўлланилади.

— Давлатимиз раҳбарининг қарорлари биз учун жуда катта имкониятлар эшигини очди, — дейди фермер Жамшид Исломов. — Берилган имтиёزلардан ташқари, плантациялар учун сувли жойлардан ер ажратилиши ҳосилдорлигини ошириш, сифатни яхшилашга имконият яратди. Мойчечак, асосан, сентябрь ойида экилади. Соғуққа чидамли ўсимлик бўлгани учун қишда соғуқ урмайди. Май ойида гули териб олинади. Териб олинган гуллари ўзимизнинг цехда қадоқланади. Шундан кейин махсус текширувлардан ўтказилиб, сертификат олинади. Ўз навбатида, бу ўсимлик ҳам алоҳида парваришга муҳтож. Эрта баҳорда экинни бегона ўтлардан тозалаб, агротехник тадбирларни амалга ошириш зарур. Аҳамиятисини, бу ўсимликка қиммий ишлов берилмайди, табиий ҳолда ишлатилади. У оғриқ қолдирувчи, антисептик хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам бу гиёҳга талаб жуда юқори. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, мақсулотимизни экспортга чиқаришни ният қилганмиз.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланмайдиган рўйхат бўйича олиб келинадиган хомашё, шу жумладан, маданий плантациялар барпо этиш учун уруғ ва кўчатларни, ускуналар

Юртимизда 4 минг 300 дан ортиқ турдаги ўсимлик рўйхатга олинган. Уларнинг 750 туридан ортиғи шифобахш хусусиятга эга. 112 тур ўсимлик илмий тиббиётда фойдаланиш учун яроқли бўлиб, 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда.

# ШИФОКОР



ҳамда махсус техникалар, шунингдек, фитобарлар учун вендинг автоматлари 2023 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинди.

Маълумотларга кўра, айни пайтда юртимизда доривор ўсимликлар етиштирадиган 70 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 20 таси айнан мойчечак етиштиришга ихтисослашган бўлиб, турли йўналишларда ўз фаолиятларини кенгайтириб келмоқда.

Шифобахш гиёҳларга оид бундай сийёсат биохимиклини ўрганиш ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳолдаги доривор ўсимликларни ҳимоя қилишни кучайтириш, табиий захираларни мустаҳкамлашга замин яратмоқда.

Хусусан, бугун ўлкамизда мойчечак, тирноқгул, ялпиз, арслонқўлоқ, чой ўти, тоғ райҳони, баргизуб, кийик ўти, наъматак, дўлана, жағ-жағ каби кўпга гиёҳлар маҳаллийлаштирилиб парваришланмоқда. Натижада йилга 300-350 тоннадан ортиқ доривор ўсимликлар тайёрланмоқда.

Ўтган йили пандемия шароити бўлишига қарамай, 40 миллион долларлик доривор ўсимликлар экспорт қилинди. Бу мақсулотлар хомашё шаклида экспорт қилинганини эътиборга оладиган бўлсак, бирламчи қайта ишлаш ва тайёр мақсулот тарзда хорижга экспорт қилинса, бу кўрсаткич икки-уч баробар ошади.

Сўнгги йилларда соҳага қаратилган эътибор

самарасида доривор ўсимликлар саноати пайдо бўлди. Хусусан, 2020 йил 1 июндан бошлаб барча бўғин тиббиёт муассасаларида, дорихоналарда, умуман, аҳоли кўп тўпланадиган жойларда фитобарлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Натижада бу фойдали инновацион ғоя аҳолига халқ табиобатининг анъанавий мақсулотларидан самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Бу эса, ўз навбатида, юртодошларимиз кам пул сарфлаб, саломатликларини ишончли тиклаши, шунингдек, аҳолининг ўз бизнесини йўлга қўйишига хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат муассасаларида фитобарлар ташкил этилганда, давлат мулк объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови белгиланган миқдорлари 50 фоиз камайтирилган ҳолда ҳисобланади ва фитобарлар вендинг автоматлари орқали ташкил қилинган ҳолларда давлат мулк объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари ҳисобланмайди.

Бир сўз билан айтганда, соҳага берилган эътибор, унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани мамлакатимизнинг қимматли доривор ўсимликларини ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш, қайта ишлаш билан боғлиқ илм-фан, бизнес, халқ табиобати удумлари, фармацевтика ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтириш истиқболларини белгилаб беради.

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

# ЧОРВА МАҚСУЛОТЛАРИ АРЗОНЛИГИ

## тармоқда ислоҳотлар жадал бораётганидан дарак

Рўзимбой ҲАСАН,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошқа вилоятдаги танишлар билан кўнғироқлашиб қолсак, салом-алиқдан сўнг мавзу нарх-навога кўчади ва дастлаб гўштининг баҳоси сўралади. Нархнини айтсак, суҳбатдошимиз хайратга тушади. Тўғрида, табиий яйловлари бўлмаган вилоятда чорва мақсулотлари нархининг мўътадил сақланиб туриши хайратланарли ҳолат.



Воҳада чорвага ихтисослашган хўжаликлар бу йил салкам 170 МИНГ ТОННА ГЎШТ ВА 1 МИЛЛИОН 102 МИНГ ТОННА СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎЗЛАГАН. Бу эса ўсиш ўтган йилгига нисбатан салкам 105 фоиз бўлишини аниқлатади.

нинг самарасини чорва мақсулотлари нархида кўряпмиз. Янги технологиялар сарф-ҳаражатлар кам бўлишига кафолат, албатта.

Ириқ мажмуалардан яна бири — “Гурлан барака текс” 2 минг бош қорамолга мўлжалланган. Яқинда фойдаланишга топширилган бу мажмуада ҳозир 500 бош насли қорамол парваришланяпти, 1 500 бош насли қорамол келтириш учун шартномалар тузилган.

Дарвоқе, жорий ва кейинги йилларда барча туманларда фаолият юри-

таётган чорва кластерларида минг бошдан беш минг бошгача қорамолга мўлжалланган йриқ чорвачилик мажмуалари ташкил қилиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Ҳозирда Богот, Хонқа ва Хива туманларида пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан ана шундай мажмуаларни қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Бундан ташқари, барча туманларда деҳқон бозорлари қошида камида 200 бошга мўлжалланган чорва фермалари ташкил қилиш жараёни давом этиб,

Ҳазорасп туманида шундай ферма фаолиятини бошлади.

Бу янгилик туфайли деҳқон бозорлари энди фақат аҳоли етиштирилган чорва мақсулотларини эмас, ўзи ишлаб чиқарган гўшт ва сут мақсулотларини арзон нархларда сотади.

Айни пайтда вилоятда 667 та чорвачилик ихтисослашган фермер ва бошқа турдаги хўжалик мавжуд. 15 минг 717 гектар экин майдони улар ихтиёрига берилган. Шу майдонлар-

нинг 1 509 гектарига янги беда экилган бўлса, 3 172 гектарда эски беда парваришланяпти. 8 293 гектар ерга маккажўхори, 332 гектар майдонга хашаки лавлаги ва чорва учун бошқа тўйимли озуқа экинлари экилган.

Ўтган йил якунлари бўйича ҳисоботда чорва фермерлари ихтиёрида 936 минг бошдан зиёд қорамол борлиги қайд қилинган. Уларнинг 356 минг бошга яқини соғин сигирлар. Бундан ташқари, хўжаликларда 450 минг бошга яқин қўй-эчки боқилапти.

2020 йилда вилоятдаги 67 та наслчилик хўжалиги томонидан 1 793 бош қорамол сотилиб, Германия, Эстония, Польша, Австрия, Латвия, Голландия, Беларусь, Украина ва Қозғистондан 3 519 бош насли қорамол келтирилди.

Ўтган йили вилоятда 161,9 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилган бўлиб, бу аҳоли жон бошига 57 килограмми ташкил этади.

Булар ўз-ўзидан бўлмаган, албатта. Бу муваффақиятларда соҳага хизмат қилаётган зооветеринария шохобчаларининг муносиб ҳиссалари бор. Ўтган йили вилоятда чорвачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ, мавжуд 218 та шундай хизмат кўрсатиш шохобчаси тулқинчиқлаштирилди, улар томонидан 1 миллиард 216 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган. Йил давомида 173 минг бош сигир сунъий уруғлантирилиши натижасида деярли шунча бош наслдор бузоқ олишга эришилган.

Ўтган йили қорамолчилик йўналишида умумий қиймати 161 миллиард 701 миллион сўмлик, шундан 39,9 миллиард сўм банк кредити, 2 миллион 544 минг АҚШ долларлик хорижий кредит ҳисобидан 118 та янги лойиҳа амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида қиймати 101 миллиард 27 миллион сўмлик 22 та янги лойиҳа ишга тушди. Бу маблагнинг

деярли 2 миллион АҚШ доллари хорижий кредитга тўғри келади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган Тупроққалъа туманида табиий яйловлар мавжудлиги боис, бу ерда қўйчилик ривожланиши учун илк қадамлар ташланди. Амалдаги йилда туман ҳудудидаги табиий яйловларда боқиш учун 580 бош насли қўй-эчки келтириш режалаштирилиб, янги лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Воҳада чорвага ихтисослашган хўжаликлар бу йил салкам 170 минг тонна гўшт ва 1 миллион 102 минг тонна сут ишлаб чиқаришни кўзлаган. Бу эса ўсиш ўтган йилгига нисбатан салкам 105 фоиз бўлишини аниқлатади.

Бундан ўн беш йиллар муқаддам воҳадаги мол бозорларига қўшни вилоятлардан қорамол ва наслдор қўйлар келтирилди. Эндиликда хорижий чорвадорлар аҳоли эҳтиёжидан ортиқча гўшт ва сутни бошқа вилоятларга сотаяпти. Вилоят чорвадорларининг хорижга чиқиши — сифатли ва арзон чорва мақсулотларини экспорт қилиши одатий ҳолга айланади.

Богот туманининг “Ёш ўсмир” маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Султонбой ака Қозқоқ шундай деди: “Ёнги машина олганимда кўпчилик “Четда ишлаётган фарзандни йўқ, пенсияси ҳам катта эмас, шунча пулни қаердан олади, деб ажабланган. Пенсиямдан тежаб-тергаб жамгаран пулимга бозордан бешта буқача сотиб олдим ва бир ярам йил боқдим. Ёнига бир сигиримни ҳам қўшиб, бозорга олиб чикдим. Битта “Nexia”га етадиган пул бўлди! Мана ҳалол меҳнат билан пул топишининг йўли!”

Воҳа қишлоқларида яшовчи фуқаролар хонадонларида кўпга қорамол ва қўй-эчкилар бор. Банк кредитлари ҳисобига ўтган йили кам даромадли оилаларга қўй ва сигирлар берилди. Яна банкдан кредит олиб, кичкина томорқаида беш-ўн бош буқача боқётган хонадон эгалари қанча? Шу иш бошини тутган хонадонлар йилига 10-15 миллион сўм ва ундан кўпроқ қўшимча даромад топаётгани ҳам бор гап. Хуллас, деярли табиий яйловлари бўлмаган Хоразмда гўшт, сут ва бошқа чорва мақсулотлари нархи мўътадил сақланишининг бош сабаби аҳолининг чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани, хориждан насли моллар олиб келиб қўйлайтиратганидир.



# ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ



**Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси матбуот хизмати раҳбари

Бошланиши 1-бетда

Республикаимизда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича бу йилги мавсум 1 июндан бошланди.

Жорий йилда мамлакатимиз бўйича 1 минг 545 та стационар турдаги оромгоҳ ва соғломлаштириш майдончалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда жами 261 минг 600 нафардан ортиқ болани дам олдириш режалаштирилган. Жумладан, 202 та стационар турдаги оромгоҳда 132 минг 300 дан ортиқ, 1 минг 343 та соғломлаштириш майдончасида 129 минг 280 га яқин бола соғломлаштирилади.

Мавсум давомида худудларда интеллектуал ривожлантириш, экологик-биологик ва ўлкашунослик, техник ижодкорлик, ижтимоий мослашув, тарбия ва спорт-соғломлаштириш, бадиий ижодиёт йўналишларига ихтисослаштирилган оромгоҳлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Мавсумга тайёргарлик жараёнида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида оромгоҳларда ишловчи ходимлар учун махсус онлайн ўқув-усlubий семинарлар ўтказилди.

Бугунги пандемия шароитида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти барча хавфсизлик чоралари қўрилган, карантин қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда ташкил қилинди.

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилмоқда. Хусусан, мавсумни намунали ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича Республика штаби, Федерациянинг ҳудудий кенгашларида худудий штаблар фаолияти йўлга қўйилди. Республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи таркибидagi Ишчи ҳамда худудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар томонидан мавсумнинг бориши мунтазам мониторинг қилинади.

Ишчи гуруҳлар томонидан ҳар бир худудда мавсумга тайёргарлик ишлари чуқур ўрганилиб, у билан боғлиқ масалалар жойида муҳокама этилди ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилди. Хусусан, болалар хавфсизлигини таъминлаш, оромгоҳларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни узлуксиз етказиб

бериш, малакали кадрларни жалб этиш ва дам олиш масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Соғломлаштириш оромгоҳларида болалар хавфсизлигини таъминлаш, карантин талабларига риоя қилиш масалаларига эътибор кучайтирилиб, алоҳида назоратга олинган.

Болалар саломатлиги доимий равишда малакали шифокор ва ҳамширалар назоратида бўлади. Соғломлаштириш масканларидаги тиббиёт хоналари барча зарур тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, дори-дармонлар, махсус дори воситалари билан таъминланди.

Карантин даврида оромгоҳларда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида болалар ёғи оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш бўйича махсус талаблар ишлаб чиқилган. Оромгоҳлар худудига унинг фаолиятида иштирок этмайдиган шахслар ва автомашиналарнинг кириши қатъиян тақиқланди. Ходимлар ва болалар саломатлиги бўйича тиббий мониторинг кучайтирилади. Болалар ва ходимлар ҳар куни икки марта тиббий кўрикдан ўтказилиб, унинг натижаси ҳақидаги маълумотлар тиббий кузатув дафтарида киритиб борилади. Ётоқхоналарда, жумладан, очик айвончаларда, болалар ёшидан қатъи назар, ижтимоий масофага қараб (камида 1,5 метр) жойлаштирилади.

Оромгоҳларда ҳар бир болага кунига камида 1,5 литр қадоқланган сув берилиб, худуддаги ичимлик қувурларидан фойдаланиш қатъиян ман этилади. Чеклов чоралари давомида сузиш ҳавзаларида чўмилишга ҳам руҳсат этилмайди. Жисмоний соғломлаштириш ва оммавий спорт тадбирлари ҳам ижтимоий



масофани (камида 2 метр) қатъий сақлаган ҳолда ўтказилади.

Оромгоҳларга жалб этиладиган ходимлар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ҳамда тестдан ўтказиш, барча ишловчи ходимлар вакцина олган бўлиши талаб этилади.

Жорий йилги мавсумда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандлари жамоа шартномалари ва келишувлари

орқали имтиёзли йўлланмалар билан таъминланмоқда. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари имтиёзли равишда дам олдирилиб, соғломлаштирилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бўлган 4500 нафар ўғил-қиз ўз худудларидаги сўлим ва баҳаво оромгоҳларда бепул дам олдирилади.

Болажонларни соғломлаштириш билан қамраб олиш қўламини кенгайтириш мақсадида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 2 минг 400 га яқин она-боланинг ҳам соғломлаштирилиши режалаштирилган.

## ТИЛ — МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

# ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН ЯНГИ АТАМАЛАР

## ЁКИ “ИҚЛИМЛАШТИРИЛГАН БОҒ” ТАЖРИБАЛАРИ



**Малика АБДУРАХИМОВА,**  
Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси маслаҳатчиси

Президентимиз Андижон вилоятида 2018-2019 йилларда аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳалар тажрибаси билан танишиш жараёнида “вақти келиб, ўрмон хўжалиги алоҳида йирик соҳага айланиши зарур”лигини таъкидлаганди. Дарҳақиқат, юртимизда сўнгги 4 йилда ўрмон хўжалигига эътибор ортиб, қаровсиз ерлардан унумли фойдаланиш, соҳага инновацион ғояларни татбиқ этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2020 йил 6 октябрь куни давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 21 январда “Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Концепцияни амалга ошириш учун ўрмон хўжалигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос илғор хорижий тажрибага эга кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Соҳада Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги фармони билан тасдиқланган 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси талабларини бажаришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур концепциянинг 9-бандида “Ўзбек тили ўқув лексикография тармоғини ривожлантириш, янги авлод ўқув ва атамалар луғатларини яратиш, уларнинг электрон вариантларини ишга тушириш” чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган.

Бу вазифаларни бажаришга Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айтиш кераки, ҳозир институтда pista, бодом, ёнғоқ каби дарахтларнинг янги навларини яратиш, шифобахш доривор ўсимликларни маданийлаштириш каби йўналишларда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилаётган. Институт кутубхонасида соҳага оид 25 мингдан ортиқ илмий адабиёт захираси мавжуд. Уларнинг аксарияти рус ва бошқа тилларда чоп этилган.

Жорий йилда институт олимлари тилшунослар билан ҳамкорликда соҳага оид атамаларнинг янгиланган изоҳли луғатини нашр этишни режалаштирган. Жумладан, унда ўрмон хўжалиги соҳасига оид баъзи атамалар қуйидагича изоҳланади:

**Арборетум** — ботаникага оид атама бўлиб, лотинча arboretum сўзидан олинган (русча — древесные насаждения). Ер шарининг турли минтақаларидан келтирилган дарахт-бутъа турларидан барпо этилган дендрологик боғ маъносини билдиради. Унда, асосан, маҳаллий шароитларга мослашган, совуқдан зарарланмайдиган турлар экилади. Арборетумда дарахтларни иқлимлаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказилади. Мазкур атамани ўзбек тилида “иқлимлаштирилган боғ” дейиш ҳам мумкин.

**Агроресомелиорация** — (юнунча agros — дала; русча лес — ўрмон; лотинча melioratio — такомиллаштириш) кўрғоқчилик, кўрүк иссиқ шамол, гармсел, тупроқ дефляцияси ва қўмлар қўчиши, тоғларда тупроқ эрозияси, тоғ ёнбағирларида кўчкилар ва сел оқимларининг олдини олиш, иқлимни ҳамда тупроқ шароитларини яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган ўрмончилик, агротехник ва гидротехник чора-тадбирлар мажмуаси.

**Зирк** — форсча сўз, қизил ва аччиқ мевали ўсимлик номи. Зирк ўзбек тилида қорақанд ҳам дейилади. Зирк — тоғларда ўсадиган кўп йиллик тиканли бута, зиркдошлар оиласига мансуб доривор ва манзарали ўсимлик, ер юзининг мўътадил иқлимли минтақаларида тарқалган. Зирк меваси ва илдизиди қон босимини пасайтирувчи берберин алкалоиди мавжуд. Марказий Осиёда тарқалган 8 та зирк туридан 3 таси Ўзбекистон флорасида учрайди. Зирк меваси шарбати қонни захарли моддалардан тозалайди, қон босимини пасайтиради ҳамда ўтти ҳайдайди.

**“Буюк олим Абу Райҳон Беруний “Аграр таржималаримизда ишлатган сўзларимиз одатда ишлатилганига тўғри келмаса, маъноларига эътибор берилсин, чунки мақсад маъноларни билишдир”, деб таъкидлайди.**

**Бинар номенклатура** — лотинча сўз бўлиб, binarius — қўш, қўшалок; ўсимлик ёки ҳайвоннинг қўш ном — туркум (ҳайвонларда уруғ) ва тур номи билан аталиши; қўш исмлилик, ўсимликларни икки ном билан аташ тартиби. Лотин тилида ўсимлик ва ҳайвонларни қўш ном (бинар номенклатура) билан аташ қабул қилинган. Бунда биринчи ном туркум номи, иккинчиси ўсимликнинг морфологик белгиси, жой номи, буюк ботаник олимлар номлари бўлиши мумкин.

**Мульча** — инглизча сўз бўлиб, mulch — “юмшоқ” маъносини билдиради, айрим адабиётларда “қоплаш” маъносиди қўлланилади. Тупроқ юзасини ёпиш учун ишлатиладиган мульчалар, асосан, турли материаллар, жумладан, майдаланган торф, органик ўғит, компост, ёғоч қириндиси ҳамда сомондан тайёрланади.

Мульча тупроқ намлигини узоқ вақт сақлаш ва буғланишнинг олдини олишга хизмат қилади. Мульчалош ўсимликнинг ўсиши шароитига ижобий таъсир этади. Хусусан, намнинг ер юзасидан жадал буғланишини камайтиради, сутка давомида ҳароратнинг ўзгариш амплитудаси муқобил

бўлишини таъминлайди, ер юзасини сув ювиб кетиши ва шамол учуриб кетишидан ҳимоя қилади, тупроқ таркибини сақлаш ва яхшилаш имконини беради ҳамда тупроқда кечадиган биокимёвий фойдали жараёнларни кучайтиради. Бунинг натижасида ўсимликнинг озиқланиши яхшиланади ва ер юзасини қатқалоқ босишдан сақлайди.

Буюк олим Абу Райҳон Беруний “Аграр таржималаримизда ишлатган сўзларимиз одатда ишлатилганига тўғри келмаса, маъноларига эътибор берилсин, чунки мақсад маъноларни билишдир”, деб таъкидлайди. Аллома айтганидек, айрим атамаларга ишлатилган изоҳлар юзасидан ўқувчилар фикри билан унинг ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Лекин берган изоҳларимиз илмий изланишларимиз асосида келтирилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирги кунда тилимизнинг софлигини асраш, ёт тушунча ва атамаларнинг ўз тилимиздаги муқобилини излаб топиш, уларни истеъмолга киритиш нафақат тилшунослар, балки ҳар бир соҳа вакиллари зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир.

